

## ХИТОЙ МИН ДАВРИ ЛЕКСИКАСИ ТАДҚИҚИДА АСОСИЙ МАСАЛА ВА МУАММОЛАР ХУСУСИДА



10.24412/2181-1784-2021-1-121-130

Мустафаева Самида

ТДШУ Хитой филологияси кафедраси докторанти

e-mail: mustafaeva.samida@gmail.com

**Annotation.** This article is devoted to the description and analysis of the role of language and written monuments of the Ming period in the historical development of the Chinese language, linguistic changes that took place during this period, as well as issues relevant to the study of the language of the period. Indeed, despite the importance of Chinese literary language in the development of this period, the language of this period, in particular, the issues of lexical and semantic strata, have not been sufficiently studied in the monograph plan of the period. Therefore, a number of issues on the subject are still pending.

**Keywords:** lexeme, Chinese language, baihua, novel, The Ming period, literature, “Three kingdoms”, “Water Margin”.

Хитой тарихида турли миллат вакиллари ҳукмронлигининг ўзгариши (яни ҳокиямият бошқарувининг бир миллатдан бошқасига ўтиши) тил масаласига жиддий таъсирни юзага келтирган. Ҳокимият бошқарувининг алмашиши ниҳоятда катта эҳтимол билан тил алмашишини англатган. Бунга мувофиқ оддий халқ тили ҳам маълум ўзгаришларни бошдан кечирган ва бу ўз навбатида бутун хитой тили лексик, грамматик қатламида ўз ифодасини топган. Шу боисдан сулолалар алмашинуви даври, айниқса, ҳукуматнинг бир миллат қўлидан бошқасига ўтиш даврида юз берган тилдаги ўзгаришлар кишининг алоҳида эътиборини тортишга молик масала ҳисобаланади<sup>1</sup>. Мин сулоласига қадар Хитойда бир асрдан ортиқроқ вақт кам сонли миллатлар давлат бошқарувини олиб борган. Юань сулоласи<sup>2</sup> (мунғул сулоласи)дан олдинги Жанубий Сун сулоласи даври жануб ва шимол тафовутлари кескинлашган давр саналиб, мамлакат Шимолининг бошқаруви аёл ҳукмдорлар қўлида қолган.

<sup>1</sup> 邢永革. 明代前期白话语料词汇研究.-南京 : 凤凰出版社 , 2017. 第10页.

<sup>2</sup> 元Юань сулоласи асосчилар мунғуллар ҳисобланиб, ундан кейинги сулола Мин сулоласи (ханъ миллати бошқарудаги) сулола бўлган.

Узок муддат давом этган миллий тиллар қоришиши натижасида хитой (ханъ) тилида вужудга келган ўзгаришлар ниҳоятда яққол намоён бўла бошлайди ва бу ўзгаришларни тинчлик даврида кузатиш мақсадга мувофиқ. Худди шу каби бир неча аср давом этган парокандалиқдан сўнг хитой тили ниҳоят Тан даврига келиб ўзининг қатъий асосини яратади. Айнан Тан даври янги давр хитой тили (近代汉语 *Jìndài hànnyǔ*)нинг бошланғич нуқтаси саналса, Мин даври Тан давридан кейинги даврларда хитой тили яна бир маротаба барқарор ҳолатга келган муҳим давр саналади. Шу боисдан айни шу босқич хитой тили турли қатламлар даражасида тадқиқ қилиниши учун ўта муҳим ва қулай давр бўлиб ҳисобланади<sup>3</sup>.

Бугунги кунда даврлар бўйича лексика юзасидан амалга оширилган тадқиқотлар камчиликни ташкил қиласиди. Мин даври лексикасининг тадқиқи эса хитой тили лексикаси тарихи учун ўта муҳим аҳамият касб этади. Хитой тилининг лексик қурилиши масаласи кўплаб хитойшунос олимларнинг диққатини тортган мавзу бўлишига қарамай, бу соҳада ечилиши керак бўлган баҳсли масалалари, очилмаган қирралар талайгина<sup>4</sup>. Жумладан, ўзбек хитойшунослигида тил терминологик лексикаси, сўз ясалиши масаласи, лексик компетенцияни ошириш, ҳисоб сўзлар, эвфемизмлар, саноқни ифодаловчи сўзларнинг лингвомаданий хусусиятлари, фразеологизмлар масаласи, хитой байхуа тили лексик ва грамматик хусусиятлари ёки Тан даври шеъриятида рамзлар семантикаси, Пу Сунлинг ижоди намунасида давр адабиёти ҳамда унинг тил хусусиятлари каби қатор долзарб масалаларда салмоқли тадқиқот ишлари олиб борилганига<sup>5</sup> қарамай даврлар бўйича лексик қатлам тадқиқи, сўзлардаги маъно ўзгариши ҳодисалари, лугат таркибининг бойишига ёки

<sup>3</sup>邢永革. 明代前期白话语料词汇研究.-南京 : 凤凰出版社 . 2017. 第10页.

<sup>4</sup>邢永革. 明代前期白话语料词汇研究.-南京 : 凤凰出版社 . 2017. 第10页.

<sup>5</sup> Ҳозирги хитой тилида дипломатик терминлар, ҳозирги хитой тили ижтимоий-сиёсий лексикаси мавзуларида С.Назарованинг номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинган; хитой тилида редупликация, аффиксация каби сўз ясалишига доир докторлик диссертацияси тадқиқоти С.Ҳашимова томонидан амалга оширилган; хитой тилида ҳисоб сўзлар масласи, тилнинг грамматик жиҳатлари, сўз тукумлари масалалари А.Каримов томонидан тадқиқ этилган; тилдаги тиббий терминлар масаласи Л.Султанова томонидан тадқиқ этилмоқда, тилшунослик терминларининг шаклланиши ва тараққиёти масаласи С.Мустафаева томонидан тадқиқ этилган; Тил лексик компентициясини оширишда асосий масалалар С.Назарованинг фалсафа докторлиги диссертациясида атрофлича ўрганилган; Хитой тилида эвфемизмлар, сонларнинг семантик хусусиятлари масалалари Ш.Шамсиева, У.Мавляноваларнинг фалсафа доктори диссертацияларида ўз аксини топган булса, хитой байхуа тили такомилини, унинг лексик ва грамматик тадқиқи Ф.Хасанова томонидан амалга оширилган; О. Очилов Тан даври шеъриятида рамзлар семантикаси масаласини фалсафа докторлиги диссертацияси доирасида тадқиқ этган бўлса, Пу Сунлинг ижоди, унинг асарларида сўзларнинг қўлланиши, Цин даври адабиёти масалалари Ж.Зиямухаммедов томонидан номзодлик диссертациясида ўрганилган ҳамда докторлик диссертацияси доирасида тадқиқи давом этиб келинмоқда.

ўзгаришига таъсир қилган тил ички ва ташқи унсурлар масаласи, лексиканинг тарихий тараққиётида у ёки бу даврнинг аҳамияти масаласи каби қатор масалалар ҳамон тўлиқ ечимини топган эмас. Лексика соҳасидаги тадқиқотлар асосан сўзларнинг маъносини очиқлашга қаратилган бўлиб, лексик тизим, лексиканинг такомиллашуви қонуниятларига бағишланган ишлар анча кам<sup>6</sup>. Ҳақиқатда ўтган йиллар давомида янги давр хитой тили лексикасига бағишланган асосан сўзларнинг маъно хусусиятига доир монография ва тадқиқот лойиҳалари бўлиб, мақросистема нуқтаи назаридан амалга оширилган назарий ишлар ниҳоятда кам, даврлар бўйича лексика тадқиқи эса ундан-да кам сонни ташкил қиласди. Хусусан, янги давр хитой тили лексикаси тадқиқида кузатиладиган неологизмларнинг юзага келиши ва тил лугат таркибида мавжуд сўзнинг янги маъно касб этиши ҳодисаси, шунингдек, лексикани тизимлаштириш масаласи бўйича монографик пландаги тадқиқотлар мавжуд эмас. Бугунги кунда Мин даври хитой тили тадқиқида ҳам айни шу муаммолар мавжуд<sup>7</sup>.

Тилда неологизмлар ва лугат таркибида мавжуд сўзнинг янги маъно касб этиши масаласи хитой тили лексикаси тарихини ўрганишда асосий муаммо ҳисобланади. Ван Вэйхуй (汪维辉) таъкидлашича, айни шу масала хитой тили лексикасини даврга (маълум сулола даврига қўра) ажратган ҳолда тадқиқ этиш ҳамда хитой тили лексикаси тарихини ўрганишнинг асосий бўғинини ташкил қиласди<sup>8</sup>. Неологизмлар даврга узвий боғлиқ бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида содир бўлган ўзгариш ва янгиликларни акс эттиради, даврга хос хусусиятларни намоён этади. Шу билан бир қаторда неологизмларнинг шаклланиши тил лексик тизимишининг табиий мослашувчанлик хусусиятининг юзага чиқиши ҳамdir. Неологизмларнинг юзага келиш сабабларини тадқиқ этиш ва сўзларнинг семантик хусусиятларидаги ўзгариш ҳамда такомилини таҳлил қилиш орқали тил тараққиёти ва унинг жамиятдаги маданият, рухият, онг ва ментал тафаккур билан боғлиқлигини, шунингдек, тилнинг ички ривожланиш қонуниятлари, яъни тил лексикасининг сараланиш ва тартибга солиниш механизми, семантик қатлам ўзгариш қонуниятлари каби қатор

<sup>6</sup> 蒋绍愚. 近代汉语研究概要. -北京 : 北京大学出版社, 2005. 第273页.

<sup>7</sup> 邢永革. 明代前期白话语料词汇研究.-南京 : 凤凰出版社 , 2017. 第11页.

<sup>8</sup> 汪维辉. 中古汉语词汇研究概况//南大语言学第二遍.-商务印书馆 , 2005. 第174页.

масалаларни очиқлаш мумкин. Шу боис мазкур масаланинг ўрганилиши хитой тили лексикаси тарихни тадқиқ этиш учун ўта қимматли ҳисобланади<sup>9</sup>.

Тадқиқот фаразлари ва методлари.

Аввало классик манбани танлаб, Мин даври биринчи ярми байхуа тил материалларини тўплаш;

Хитой (ханъ) тилида ёзилган тарихий ва бадиий ёдгорликлар, хитой дурданалари электрон базаси, “Хитой тилининг катта луғати”, “Хитой тилининг катта иероглифлар луғати” каби луғатлар, олдинги тадқиқотлар натижаларидан неологизмлар ва янги маъно касб этган лексика, айниқса, даврга хос хусусиятни акс эттирган лексик бирликларни жамлаш ва уларнинг тараққиёт динамикасини белгилаш;

Тадқиқот обьекти масаласи – неологизм, янги маъно касб этган сўзлар, қўлланиши кўп частотали сўзлар, синонимлар, антонимлар ва бошқаларни тадқиқ этиш. Мавзуга доир назариялардан келиб чиқиб, Мин даври биринчи ярми лексикасининг лексик ва семантик қатлам боғлиқлигини аниqlаш. Социолингвистик назарияга таяниб Сун, Юань, Мин сулолалари даври лексикаси, Мин даври биринчи ва иккинчи ярми лексикасини қиёсий тадқиқ этиш.

Тадқиқот методлари

Тавсифлаш методи.

Сифат ва миқдор таҳлили

Синхрон ва диахрон тадқиқ методлари<sup>10</sup>

Мин даври биринчи ярми лексикаси давр хусусиятларини яққол намоён қиласди. Ушбу давр лексикасида Юань даврига хос лексик бирликлар салмоқли ўрин эгалласа-да, Мин даврига келиб улар янги хусусиятларни акс эттириб бошлаган. Неологизмлар ва янги маъно касб этган тил луғат таркибида олдиндан мавжуд бўлган сўзларнинг миқдори айни Мин даври биринчи ярмига келиб сезиларли ортди. Тан ва Сун сулолалари даврида кам қўлланган кўплаб лексик бирликлар Юань ва Мин даврига келиб қўлланиш частотасида ўсиш кузатилди ва улар ҳозирги хитой тили лексик бирликлари таркибида ҳам қўлланишда давом этмоқда. Бу ҳодисларнинг сабаби, шубҳасиз жиддий тадқиқотга арзийди<sup>11</sup>. Цзян Цзичэн (蒋冀骋), У Фусян (吴福祥) эътироф

<sup>9</sup>邢永革. 明代前期白话语料词汇研究.-南京：凤凰出版社·2017. 第11页.

<sup>10</sup>邢永革. 明代前期白话语料词汇研究.-南京：凤凰出版社·2017. 第22-23页.

<sup>11</sup>邢永革. 明代前期白话语料词汇研究.-南京：凤凰出版社·2017. 第24页.

этишича, яқин давр хитой тили лексикасининг структур жиҳатдан бир қанча ўзига хос жиҳатлари мавжуд: 1.оғзаки нутққа хос сўзларнинг кўплиги; 2. шевага хос сўзларнингмиқдор жиҳатдан устунлиги; 3. шаҳар лаҳжасининг устиворлиги; 4. ўзлашма сўзларнинг кўплиги<sup>12</sup>. Вэй Даҷунъ (魏达純) янги хитой тили ёдгорликлари тилининг уч асосий хусусиятини таъкидлаб кўрсатади: 1. оғзаки тил ва вэнян ўртасидаги чегаралар ўта ноаниқ; 2. одатда диалектал колоритни жамлаган, бу билан ҳудудий хосликни акс эттириб туради; 3. тилнинг даврий хусусиятини ўзида акс эттиради<sup>13</sup>. Мин даври лексикаси юқорида санлаган хусусиятлар билан бир қаторда яна бир қанча хусусиятларни жам қилган, хусусан:

1) Юань сулоласи даври тилининг кучли таъсирини қабул қилган ҳолда, гетероген тил факторларини сақлаб қолган ва ўзида ўрта ва сўнг Мин даврлари лексикасидан фақрли жиҳатларини намоён қила олган. Юань даври тилининг Мин даври биринчи ярми тилига таъсири нихоятда сезиларли булган. Юань даври расмий хужжатларида кенг қўлланган “差发” *chāi fā*, “勒措” *lēi kèn*, “体覆” *tǐ fù*, “追陪” *zhuī péi* сўzlари, буйруқ оҳангини ифодловчи “者” *zhě* юкламаси, тахмин ва гумон юкламаси “呵” *hē*, гап охирида келадиган “有” *yǒu* феъли<sup>14</sup>, сабаб-натижа ёки мақсад муносабатни ифодаловчи “上头” *shàngtou* сўзи, “这般着” *zhè bānzhe*, “么道” *me dào* олмошлари, “行” *xíng*, “里” *lǐ* суффиксал морфемалари, оғзаки сўзлашув услубига хос “勾当” *gòudang*, “根前” *gēn qián*, “好生” *hàoshēng*, “地面” *dìmiàn* сўzlари Мин даври биринчи ярмида муомалада бўлган. Бу сўзларнинг Мин даври ўрталаридан кейинги даврларда қўлланиши суръати пасайган<sup>15</sup>. Шунингдек, Мин даври биринчи яримида мунғул тилидан хитой тилига ўзлашган сўзлар ҳам сон жиҳатдан бошқа даврларга қараганда кўплиги кузатилади. Хусусан, “把都儿” *bǎ dōu er* “撒袋” *sā dài*/“撒答” *sā dá*“答纳” *dá nà*”каби фонетик ўзлашмалар, фонетик ва семантик калькалар қоришиқ вариантда учраши, масалан, “探马赤” *tàn mǎ chì*”, ёки мунғул тили таъсирида хитой тилига кириб келган лексемаларнинг сўз

<sup>12</sup> 蒋冀骋、吴福祥. 近代汉语纲要. -湖南：湖南教育出版社，1997年. 第185页.

<sup>13</sup> 魏达纯. 近代汉语简论. -广东：广东高等教育出版社 · 2004. 第51-54页.

<sup>14</sup> Ушбу феъл асосан ҳозирги замонни ифодалашда қўлнаган, шунингдек, боғлама ҳам саналган бу вазифасида у ҳозирги хитой тилидаги “是”га тўғри келади.

<sup>15</sup> 邢永革. 明代前期白话语料词汇研究.-南京：凤凰出版社 · 2017. 第25页.

ясалишида фаол иштирок этиш ҳолати, масалан, хитой тили қўлланадиган “站 zhàn” сўзи асли мунғулча “Jam” сўзининг фонетик калькаси ҳисобланади<sup>16</sup>.

Бу даврда ҳатто айрим кўп қўлланадиган хитойча сўзлар ҳам мунғул тили таъсирига учраган ва айни таъсири Мин сулоласи бошқарувининг кейинги даврларида деярли кузатилмайди. Хусусан, Мин даври биринчи ярмида кишилик олмошларининг кўплек шакли “每 mēi” морфемаси билан ҳосил қилинган, мазкур вазифада “们 men” суффиксал морфеманинг қўлланиш ҳолати ниҳиятда кам кузатилади. Бу Юань даври тил хусусиятига қанчалик мос келса, Жанубий Сун даври тил хусусиятларига шунчалик терс ҳолатдир<sup>17</sup>. Люй Шусян (吕叔湘) буни шундай изоҳлайди: “бу ўринда бироз ҳақиқатга яқин фараз шундаки, “每 mēi” ва “们 men” сўзлари икки ҳил диалектал гурухга мансуб. ... Юань ва Сун сулолалари даврларида Шимолий диалектларда “每 mēi” ва Жануб диалектларида “们 men” морфемалари қўлланган деб тахмин қилиш асосли бўларди. Шимолий Сун сулоласи даврида Чжунюань шеваси жануб диалектал гурухига мансуб бўлган, ҳозирги Шимолий диалектлар гурухи, гуанъхуанинг асоси эса Яньцзин ҳудудлари шеваси саналган. Цзинь ва Юань сулолалари даврида Чжунюань марказ сифатида қаралиб, у ерга аҳолининг катта қўчишлари амалга оширилган шу боис шимолий диалектал гурух, яъни гуанъхуа Хэнань шимолида муомалага кирган, жануб бошқарув тили эса аксинича, янада жануброққа “ силжиган”. ... Юань сулоласи даврига келиб, Шимол диалектал гурухига асосланган бошқарув тили гуанъхуа меъёрий (стандарт) тил мақомига эга бўлган ва шу тариқа “每 mēi” морфемаси шимол шеваларига хос вазифасида адабий тилда ҳам қўллана бошлаган. .... Мин даври биринчи ярмида ҳам мазкур морфема айни шу вазифасида қўлланиб, фақат Мин даври ўрталарига келиб, унга вазифадош морфемалар кўпайганини кузатиш мумкин.”<sup>18</sup> Жанубий Сун сулоласидан Мин сулоласи биринчи ярмига қадар бўлган қарийиб уч юз йиллик даврда мамлакатнинг сиёсий маркази уч маротаба ўзгарди, бу боради Цао Гуаншунь шундай дейди: “мамлакат сиёсий ва бошқарув марказининг жанубдан шимолга ва яна шимолдан жанубга қўчиши уч даврнинг бошқарув тили (гуанъхуа)га ўз таъсирини ўтказгани табиий. Ушбу даврлар тилини айрим лексик, грамматик ҳодисаларини кузатиш шуни

<sup>16</sup>邢永革. 明代前期白话语料词汇研究.-南京：凤凰出版社 · 2017. 第26页.

<sup>17</sup>邢永革. 明代前期白话语料词汇研究.-南京：凤凰出版社 · 2017. 第27页.

<sup>18</sup>吕叔湘. 近代汉语指代词. -上海：学林出版社，第58-59页.

кўрсатадики, Сун даврида қўлланган ёки қўлланиш даражаси юқори бўлган сўзлар (ёки бошқа тил бирликлари), Юань даврига келиб муомаладан чикқан ёхуд кам қўлланган, Мин давридан кейин эса яна қайта тикланган. Юқорида келтирилган кишилик олмоши кўплек шаклини ҳосил қилувчи морфемалар ҳам айни шу фикрнинг яққол далилидир.”<sup>19</sup>

2) Оғзаки нутқ ҳамда шевага хос сўзларнинг катта миқдорда адабий (ёзма) тилга кириб келиши ва умуммиллий тилга сингиши. Шевага хос сўзларнинг ҳудудий фарқларни ўзида намоён этиш хусусияти. Кўп миқдорда сўзлашув услугига хос, диалектал лексиканинг адабий тилга кириб келиши яқин давр хитой тили лексикаси тараққиётининг ўзига хос жиҳатларидан саналади<sup>20</sup>. Мин даврига келиб, оғзаки сўзлашув тили элементлари, хусусан, деалектал бирликлар нафақат бадиий адабиётга, балки хужжатлар ва тарихий қайдларга ҳам кириб борди<sup>21</sup>.

3) Неологизмлар сонининг ортиши, янги сўзлар ясалишида қўшма сўзлар асосий қисмни ташкил қила бошлиши. Жамият тараққиётига узвий боғлиқ ҳолда тилда янги сўзлар шаклана боради. Бу давр неологизмларининг ўзига хос жиҳати шундаки, айни Мин даври биринчи ярмига келиб асосан икки бўғинли (икки ўзак морфемали) сўзлар шаклланган. давр ёдгорликларида бундай сўзлар қарийиб 93%ни ташкил қилади<sup>22</sup>. Хусусан, 棉花 *miánhuā* “пахта”, 棉布 *miánbù* “пахта мато”, 花绒 *huā róng* “пахта толаси” каби сўзлар ҳам ушбу даврда шаклланган бўлиб, улар Мин даври биринчи ярмида пахтачилик билан бир қаторда пахта саноати, ушбу хом ашёдан мато тайёрлаш, тола олишнинг ҳам ривожланиб бошлаганидан далолат беради<sup>23</sup>.

4) “打” *dǎ* сўзи ҳамда “儿” *er*, “子” *zi* суффиксларининг сўз ясалишида иштирокининг фаоллашуви кузатилади. “兀” *wu* олд қўшимчаси ҳамда“生” *shēng* қўшимчаларининг қўлланишдан чиқиши. Бу даврга келиб “打” *dǎ* сўзининг сўз ясалишидаги фаол иштироки кузатилади. Масалан, 打差 *dǎ chà*、打点 *dǎdiǎn*、打发 *dǎfā*、打搅 *dǎjiǎo*、打紧 *dǎjǐn*、打话 *dǎ huà*、打捞 *dǎlāo*、打送 *dǎ sòng*、打探 *dǎtàn*、打听 *dǎtīng* каби сўзлар шулар жумласидандир.

<sup>19</sup> 曹广顺. 试说“快”和“就”在宋代的使用及有关的断代问题. //中国语文 . 1987. 第4期.

<sup>20</sup> 向熹. 简明汉语史. -北京 : 高等教育出版社, 1993. 第607页.

<sup>21</sup>邢永革. 明代前期白话语料词汇研究.-南京 : 凤凰出版社 . 2017. 第28页.

<sup>22</sup>邢永革. 明代前期白话语料词汇研究.-南京 : 凤凰出版社 . 2017. 第31页.

<sup>23</sup>邢永革. 明代前期白话语料词汇研究.-南京 : 凤凰出版社 . 2017. 第32页.

“儿 er”, “子 zi” қўшимчаларининг сўз ясалишдаги ўрнининг ортиши ҳам шу даврда кузатилади. сўзга сўз қўшиб ясашдан ташқари аффиксал морфемаларнинг юзага келиши ва уларнинг сўз ясашдаги иштироки тилда асосан шу икки хил усулда сўз ясалганидан далолат беради. “儿 er” аффиксал морфемаси иштирокида ясалган сўзлар 道儿 *dào er*、一些儿 *yīxiē er*、有数儿 *yǒushù er*、小孩儿 *xiǎo hái'er*、小人儿 *xiǎo rén er*、小军儿 *xiǎo jūn er*、性儿 *xìng er*、影儿 *yǐng er* ва б. Шунингдек, ушбу қўшимча воситасида юзага келдиган “эрлашиш” жараёни асосан Шимолий диалектлар гурухига хос ҳодиса бўлиб, бундай сўзлар айниқса, 《元朝秘史 *Yuáncháo mìshǐ*》 (“Мунғул сулоласининг сирли тарихи” ) асарида кўп учрайди<sup>24</sup>. “子 zi” zi қўшимчаси воситасида ясалган сўзлар эса асосан, “от + 子 zi” тузилишига эга масалан: 城子 *chéngzi*、门子 *ménzi*、道子 *dàozì*、谷子 *gǔzi*、幔子 *mànzi*、棉子 *mián zǐ*、马鞍子 *mǎ'ān zǐ* ва б. Кам миқдорда “феъл+子 zi” структурасидаги сўзлар ҳам учрайди: 译子 *yì zǐ*、抹子 *mǒ zǐ* каби<sup>25</sup>.

Луғат таркибининг ҳисоб сўзлар билан бойиши, хусусан, қўшма ҳисоб сўзларнинг юзага кела бошлиши. Мин даври биринчи ярми лексикаси ҳисоб сўзлар билан сезиларли бойиган. Ҳозирги хитой тили билан қиёс қилинадиган бўлса, ўша даврда шаклланган аксар ҳисоб сўзлар бугунги кунда ҳам истеъмолдан чиққани йўқ. 6) сўзлар ўртасида рақобатнинг кучлилиги, неологизмларнинг истеъмолдан чиқиб кетиш даражасининг ортиши. 7) сўз таркибининг меъёрга солинмаганлиги, ноқатъийлик. Мин даври биринчи ярмига хос лексиканинг катта миқдорида шакл жиҳатдан турлича ёзилиши ҳамда қўшма сўз компонентларининг ўзаро ўрин алмашган ҳолда қўлланиши каби икки ҳодиса кузатилади<sup>26</sup>.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсақ, Мин даври нафақат сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, маданий жиҳатдан муҳим давр балки, хитой тили тараққиётида ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган босқич сифатида Хитой тарихида алоҳида эътироф этилади. Мин даврига келиб, тил луғат бойлигининг янги сўзлар билан ички ва ташқи омиллар таъсирида бойиши, сўз тузилишининг ўзгариши, грамматик қўрсаткичларнинг ортиши, сўзлар семантикасида юз берган ўзгаришлар, айрим грамматик категорияларнинг такомили, гапларнинг

<sup>24</sup>邢永革. 明代前期白话语料词汇研究.-南京 : 凤凰出版社 . 2017. 第32页.

<sup>25</sup>邢永革. 明代前期白话语料词汇研究.-南京 : 凤凰出版社 . 2017. 第32页.

<sup>26</sup>邢永革. 明代前期白话语料词汇研究.-南京 : 凤凰出版社 . 2017. 第35-38页.

тузилиши, уларнинг боғланишига хизмат қилувчи воситаларнинг кўпайиши, пунктион қоидалардаги ўзгаришлар каби қатор лексик, семантик, грамматик сатҳлардаги ўзгаришлар ва уларнинг кейинги босқич хитой адабий тили, қолаверса, ҳозирги хитой меъёрий тили такомилига таъсири даражасини аниқлаш ва даллилаш учун ҳам Мин даври хитой тилининг давр ёдгорликлари мисолида монографик планда тадқиқ этилиши бугунги тилшуносликда, хусусан хитой ва унга қардош тиллар тадқиқида муҳим масала саналади.

**Адабиётлар:**

1. 邢永革. 明代前期白话语料词汇研究.-南京: 凤凰出版社, 2017.
2. 蒋绍愚. 近代汉语研究概要. -北京: 北京大学出版社, 2005.
3. 汪维辉. 中古汉语词汇研究概况//南大语言学第二遍.-商务印书馆, 2005.
4. 蒋冀骋、吴福祥. 近代汉语纲要.-湖南: 湖南教育出版社, 1997 年.
5. 魏达纯. 近代汉语简论.-广东: 广东高等教育出版社, 2004.
6. 吕叔湘. 近代汉语指代词.-上海: 学林出版社, 1985.
7. 曹广顺. 试说“快”和“就”在宋代的使用及有关的断代问题. //中国语文, 1987. 第 4 期.
8. 向熹. 简明汉语史.-北京: 高等教育出版社, 1993.
9. Abbasi, S., & Mirzakhmedova, K. (2021). THE CULTURAL COMMONALITIES OF IRAN AND UZBEKISTAN (From the perspective of the Persian language and literature history). *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(01), 1-8.
10. Abdullaevna, N. S. (2020). Lexical-semantic and cognitive specifics of political discourse (based on si jinping's speeches). *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(5), 1086-1092.
11. Abdullayevna, H. S. (2020). Peculiarities of the formation of animated non-significant using suffixing in the modern chinese language. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(5), 1504-1511.
12. Hashimova, S. A., & Nasirova, S. A. (2021). FEATURES OF FORMING OF ANIMATED NOUNS WITH THE AFFIXES IN MODERN CHINESE LANGUAGE. *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(04), 1-10
13. Khalmurzaeva, N. T. (2020). Peculiarities of intercultural understanding in Uzbek and japanese verbal communication. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(11), 1473-1481.

- 
14. Mirzakhmedova, H. V., Omonov, K. S., & Khalmurzaeva, N. T. (2021). METHODS OF IMPROVING LANGUAGE SKILLS USING MEDIA SOFTWARE. *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(03), 47-55.
15. Mirzaxmedova, H. (2020). TERMS MADE FROM THE ORIGINAL IRANIAN VOCABULARY IN PERSIAN. *Philology Matters*, 2020(1), 137-145.
16. Nasirova, S. A. (2020). CONCEPTS OF 中国 梦想" CHINESE DREAM" AND 类 命运 共同" COMMUNITY OF THE ONE FATE OF HUMANITY"-A LINGUISTIC AREA. *Journal of Central Asian Social Studies*, 1(01), 05-14.
17. Nasirova, S. A., Hashimova, S. A., & Rikhsieva, G. S. (2021). THE INFLUENCE OF THE POLITICAL SYSTEM OF CHINA ON THE FORMATION OF SOCIAL AND POLITICAL TERMINOLOGY. *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(04), 10-17.
18. Омонов, К. Ш. (2019). Stereotype phrases and their place in providing formality to the text. *Молодой ученый*, (28), 259-261
19. Рихсиева, Г. Ш. (2014). ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РЕЙТИНГИ-СИФАТ ВА ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ. *Oliy ta'lim taraqqiyoti istiqbollari= Perspectives of higher education development= Перспективы развития высшего образования: То 'plam № 2/ma'sul muharrir MA Rahmatullayev.–Издательство: Vita Color T.: 2014.–161 b.*, 29.
20. Халмурзаева, Н. Т. (2020). ТИПОЛОГИЯ ЯПОНСКОГО КОММУНИКАТИВНО-ДЕЛОВОГО ЭТИКЕТА. *Вестник науки и образования*, (14-2 (92)).
21. Хашимова, С. (2019). On some features of teaching foreign language for students of non-philological areas at the initial stage. *Евразийское Научное Объединение*, (1-6), 334-338.